

Meros

№ 2/2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 80 ЁШДА

Ҳасаний М. Бугун бизда *(ЎзР Фанлар академияси ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 80 йиллигига бағишланади)* қўшалоқ байрам 3

Каримова С. Шарқшунослик институти 80 йиллик тарихидан ёрқин лавҳалар 7

МАНБАШУНОСЛИК

Азимов Х. Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хитой савдо алоқаларига оид маълумотлар (милоддан аввалги II – милодий XI асрлар)..... 74

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Якубов Қ. Хоразм солиқ тизимида вақф ерлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) 83

Абдурасулов Х. Из истории караван-сараев Туркестанского генерал-губернаторства 95

Базарбаев А. Туркистонда мулк ва жамоа ерларининг ҳуқуқий ҳолати (XIX аср – XX аср бошлари) 106

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Жўраев Ж. “Туҳфаи Сомий”даги Темурий шаҳзодаларга оид маълумотлар 120
Турсунов Р. Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси: икки шоир – икки талқин 134
Эшонова С. Нодира туркий девонларининг ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари матний қиёси 145

ИСЛОМШУНОСЛИК

Усмонов И. Ҳаким Термизийнинг фиқҳга оид қарашлари 159
Муҳаммадаминов С. XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи 173
Хуснутдинов Ф. Исламская литература для эмигрантов из Советской Средней Азии. «Книга о паломничестве» Саййида Махмуда Тарази (1895–1991) 188

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н., Алимова Л. К истокам женского образования в Китае и Корее (конец XIX – начало XX вв.) 206

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2023 йил 27 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

22.12.2023 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:16-23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилд и.

ИСЛОМШУНОСЛИК

И. Усмонов

Ҳаким Термизийнинг фиқҳга оид қарашлари

Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) тасаввуф соҳасида яхши танилган олим бўлса-да, фиқҳ бўйича ҳам ўзига хос қарашлари ифода этилган ёрқин асарлар муаллифидир.

Унинг бу йўналишдаги асарлари кўпроқ ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этган. Масалан, “Исбот ал-илал” (“Сабаблар исботи”) асари “шариатнинг моҳияти яхшиликни жалб қилиш ва ёмонликни даф қилиш устига барпо бўлиши” қоидасининг амалий татбиғи сифатида намоён бўлган [6: 169] бўлса, “ал-Акёс ва-л-муғтаррун” (“Зийраклар ва (нафсига) алданганлар”), “ал-Фуруқ” (“Синонимларнинг фарқлари”) каби асарлари усул ал-фиқҳнинг айрим назарий масалаларини муолажа қилган. Ҳаким Термизий шариатни метафизик асослар ва суфий қарашлар асосида баён қилиб, суфиёна фиқҳий усулларни намоён қилган.

Термизийнинг фиқҳга оид асарларида усулий масалалар, ашбоҳ ва-н-назоир[1]га оид фикрлар, шаръий ҳийлалар каби мавзулар муҳокама қилинганини кўриш мумкин [21: 29].

Айрим тадқиқотчилар Ҳаким Термизий асарларини усул ал-фиқҳ илми[2]ни қайта қуришга уриниш сифатида баҳолаганлар: “Ҳаким Термизий ўз асарлари билан усул ал-фиқҳда янги йўналишни белгилаб берди, дейиш ёки ақалли, усул ал-фиқҳ бўйича тўрт мазҳабдан фарқли бўлган мустақил назарий уринишни амалга оширди, дейиш мумкин” [9: 185].

---

[1]Ашбоҳ ва-н-назоир – бир-бирига ўхшайдиган, лекин махфий бир сабаблар туфайли ҳукми ҳар хил бўлган масалалар.

[2] Усул ал-фиқҳ илми – ҳужжатлардан шариат аҳкомларини чиқариб олиш қоидаларини ўргатувчи илм.

Юқоридаги мулоҳазалардан “Ҳаким Термизий мужтаҳид бўлганми?” деган савол келиб чиқади. Фиқҳий ижтиҳодлар табақаларини тўлиқ тушуниш учун, давр омилини эътиборга олиш зарур. Фиқҳнинг ривожи замонлар оша фиқҳий эҳтиёжларга мутаносиб тарзда амалга ошди. Мужтаҳид ўз даври учун мос бўлган ўзгаришларни қайд этиб, мустақил, мунтасиб ва мазҳаб ичидаги ижтиҳодларни амалга оширди [11: 302]. Айтиш мумкинки, ҳижрий III ва IV асрлар мутлақ ижтиҳодга эҳтиёж қолмай, асосан мунтасиб мужтаҳидлар – мазҳаббошиларнинг усул ва фуруъ[1] бўйича шакллантирган қоидалари доирасида фаолият юритганлар, айрим ҳолатлардагина усул ва фуруъда мухолиф бўлганлар. Жумладан, Абу Ҳафс Кабир (768–832), Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 815), Исо ибн Абон (ваф. 835 й.), Таҳовий (853–933), Абу Лайс Самарқандий (911–985), Жассос (917–980) ва бошқа фақиҳ уламолар Қуръон ва суннадан истинбот қилишда умумий ҳолда ҳанафий мазҳаби усулига ҳамда хусусий ҳолатда ўз усулларига таянганлар. Бу табақа фақиҳлари илк ислом давридан узоқликлари, буларга қадар ҳадисларнинг санадлари узайгани, профессионал эҳтиёжлари учун кифоя қилгани боис муайян мазҳабни тутганлар, мутлоқ ижтиҳодга даъво қилмаганлар. Лекин уларда ўз усуллари ҳамда мазҳабдаги жорий усулларга таяниб Қуръон ва суннатдан баъзи ҳукмларни чиқариш имкониятлари бўлган. Аммо бу каби ҳолатлар жуда ҳам нодир бўлган. Воқеъликда биз мазҳаббошилар шакллантирган асосларнинг кейинги кўзга кўринган уламолар томонидан деярли тўлиқ қўллаб-қувватланиши, айрим масалалардагина усул ва фуруъда ихтилофларни кўрамиз. Тарихий ривожланиш жараёнида мазҳаб доирасида мунтасиб ижтиҳоднинг турли жиҳатлари намоён бўлганига гувоҳ бўламиз [11: 279–280]. Шу жиҳатдан Ҳаким Термизийнинг суфий тамойиллар асосидаги усул ва фуруъдаги ихтилофлари мустақил-мутлақ ижтиҳод эмас, балки мазҳаб доирасида ўз усулига кўра Қуръон ва суннадан ҳукмларни чиқариш йўли, деб қаралиши тўғри бўлади. Зеро, Ҳаким Термизий яшаган даврдаги ҳар қандай ижтиҳод мутлақ ижтиҳод деб баҳоланмаган. Чунончи, Лакнавий (1848–1887): “Тўрт мазҳаббоши имомдан кейин Имом Табарийдан бошқаси мутлақ мужтаҳидликни даъво қилмаган. Лекин бу (даъво) қабул қилинмаган”. Ибн Салоҳ (1181–1245) эса:

[1] Усул ва фуруъ – фиқҳ илми асослари ва шахобчалари.

“Шофеий асридан кейин мустақил мужтаҳид йўқ”, деб таъкидлаган [11: 280]. Аммо шу билан бирга Қуръон, суннат ва асарлардан маънолар, важҳлар, қоидалар, тамойиллар, истинбот қилиб, ҳукм чиқариш ишлари давом этаверган.

Термиз шаҳри географик жойлашувига кўра Хуросон ҳудудига чегарадош бўлиб, Балх шаҳрига яқин бўлган. Шунинг учун ҳам Хуросон ва айниқса, Балхда кечган сиёсий, маданий, илмий жараёнлар Термизга бевосита таъсир кўрсатган. Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва ижоди Балх муҳити билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ҳаким Термизий ва унинг отаси Балхнинг ҳанафий уламоларидан кўплаб ҳадислар ривоят қилганлар [10: 76]. “Фазоил-и Балх” (“Балх фозиллари”) ҳанафий фақиҳлар табақот асарида келтирилган балхлик уламолардан Ҳаким Термизийнинг отаси – Али ибн Ҳасан Термизий (ваф. VIII аср) ҳадис ривоят қилган: Балх қозиси бўлган Шаддод ибн Ҳаким (ваф. 829 й.), Маккий ибн Иброҳим (ваф. 830 й.). Ҳаким Термизийнинг ўзи ҳам Фазоил-и Балхда келтирилган Қутайба ибн Саид (ваф. 854 й.), Муҳаммад ибн Қоди Абу Мутиъ (ваф. 858 й.), Муҳаммад ибн Абан (ваф. 858 й.)лардан ҳадис ривоят қилган, Аҳмад ибн Хизруя (ваф. 854 й.) билан яқин алоқада бўлган [10: 40–56].

Ҳаким Термизий ёшлигидан ҳанафийлик таълимотини ўрганган. Бу ҳақда ўзининг автобиографик асари “Будувв аш-шаън” (“Фаолият-нинг бошланиши”)да қайд этади: “Менинг ишимнинг боши шу бўлдики, Аллоҳ саккиз ёшга етганимда шайхимни пешанамга битди. У илм олишга йўллар, ўзи таълим берар, таълим олишга ундар эди. Шу ҳолатни у оғир ва енгил дамларда ҳам ғайрат қилиб ушлади-ки, бу машғулот одатимга айланди ва болалигимда ўйингоҳнинг ўрнини босди. У ўспиринлик вақтимда илм ал-осор ва илм ар-раъй жамлаб (таълим) берди” [16: 331]. Матндаги “илм ар-раъй” атамаси ўша вақтда минтақада устувор бўлган ҳанафий фиқҳига далолат қилган [24: 15]. Гарчи, Термизий алоҳида қайд этмаса-да, унинг шу биринчи устози ўз отаси бўлса керак. Отаси Али ибн Ҳасан Термизий муҳаддис бўлиб, ислом марказларига сафар қилган, Бағдодда ҳадис эшитган, ҳадис ровийси сифатида Ҳаким Термизий ривоятларида қайд этилган [24: 1].

Абулҳасан Жуллабий Али Ҳужвирий (ваф. 1073–77 й.) ўзининг “Кашф ал-маҳжуб” асарида: “Ал-Ҳаким фиқҳни Абу Ҳанифанинг хос асҳобларидан бирининг қўлида ўрганди”, – деб ёзади [20: 353].

Ҳаким Термизий шариат илмларини мукаммал билиш уларнинг иллатларини (сабаб, моҳияти) аниқлаш орқалигина амалга ошишини “Исбот ал-илал” (“Сабаблар исботи”) асари орқали таъкидлаган. Шаръий ҳукмларнинг иллатини намоён қилиш орқали Термизий ўз давридаги шаклланиш жараёнидаги усул ал-фиқҳга мақосидий қарашларни киритишга ҳаракат қилган. Фиқҳий ҳукмларда луғавий жиҳат ҳам устуворлиги, ҳатто сўзларни ташкил этувчи ҳарфларнинг ўрнини ажратиб кўрсатиб берган.

Ҳаким Термизий “Ҳикмат – ишларнинг ботиний қисми ва илмнинг сирларидир” деган ғояни илгари суриб, шариат – ҳукмларнинг асрорларини англаш, унинг мақсади ботин илмидир (зоҳир илмидан юз ўгирмаган ҳолда) деган хулосани олиб чиққан [6: 172].

Термизий ўз фиқҳий қарашларини баён қилишда Қуръон, Сунна, ижмо, қиёс, саҳобийнинг йўли, истиҳсон[1] ва урфга ўрин беради [6: 245–250].

Термизий фиқҳ мавзусига доир бир қанча китоб ва рисолалар таълиф этган. Аммо унинг фиқҳга доир асарлари анъанавий фиқҳий асарлардан услуб, баён, мақсад, таркиб жиҳатидан фарқ қилади: биринчидан, унинг асарларида шариат талаблари доирасида бирор амални бажаришдан банда оладиган руҳий-маънавий фойдалар тасвирига кўп урғу берилади, иккинчидан, ибодатларнинг буюрилиш сабаблари *(*علل *– ‘илал)* очиб берилади; учинчидан, қилинган амалларни беҳуда қиладиган маънавий иллат ва нуқсонлар муолажа қилинади [5: 179].

Термизийнинг фиқҳий асарлари ҳам тасаввуфий руҳият билан йўғрилиб, уларда маънавий баркамоллик ва руҳий камолот масалалари устун туради. Термизий бирор амални фақатгина зоҳиран бажариб, ундан кутиладиган савобларнигина эмас, балки киши шу амални бажариш вақтида маънавий ҳолатини ислоҳ қилиш билан улкан ютуқларга эришиши ёки носоғлом маънавияти билан қилинган амал савобини йўққа чиқариши мумкинлигини мисоллар билан ўз асарларида тасвирлаб беради.

Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал” (“Сабаблар исботи”), “ал-Ҳажж ва асроруҳу” (“Ҳаж ва унинг сирлари”), “Сабаб ат-такбир фи-с-солат” (“Намозга такбир сабаби”), “Шарҳ ас-солат ва мақосидиҳо”

[1] Сунна, ижмо, қиёс, саҳобийнинг йўли, истиҳсон, урф – ҳанафий мазҳабининг далиллари.

(“Намоз ва унинг мақсадлари шархи”), “Кайфийят ал-вудуъ” (“Таҳорат олиш йўллари”), “ал-Масаил ал-афина” (“Бадбўй масалалар”) асарлари фиқҳий масалаларга бағишланган бўлса, “ал-Фуруқ” (“Синоним-ларнинг фарқлари”), “Баён ал-фарқ” (“Фарқлар баёни”), “ал-Акёс ва-л-муғтаррун” (“Зийраклар ва (нафсига) алданганлар”), “ал-Ҳуқуқ” (“Ҳақлар”) ва бошқа асарларида бошқа мавзулар билан боғлиқликда кўриб чиқилган.

Ҳаким Термизий сулук ва шариатни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилади. Айрим фақиҳлар масалаларни ҳарфий тушунишлари ҳамда Қуръон ва суннанинг зоҳирий жиҳатларигагина эътибор қаратиб, мухолифлари билан мунозара қилиш мақсадлари бўлиб қолганлиги Термизий томонидан танқид қилинади. Аллома фақиҳ ва суфийларнинг илмларини қиёслаб, суфий-ҳакимларга кенгроқ илм берилганини таъкидлайди.

Ҳаким Термизийга кўра ҳақиқий фиқҳ – қалб фиқҳидир. Диндаги фиқҳ эса, Аллоҳнинг мўмин бандаси қалбига солган нурдир. Бу гўёки йўл кўрсатувчи фонусга ўхшайди. Аллоҳ қалбини мунаввар қилган фақиҳ ҳақида Пайғамбар алайҳиссалом ишора қилганлар: “Аллоҳ бандасига яхшиликни хоҳласа уни динда фақиҳ қилади” [15: 30].

Ҳаким Термизий ҳуқуқшуносларнинг “фақиҳ”, “фиқҳ” сўзларига эга чиққанларига эътироз билдиради: “Ўзларини фиқҳга нисбат берувчилар билмайдиларки, фиқҳ – фуад (қалбнинг ички қисми, учинчи мақоми) кўзидан парда очилиши ва қалб нигоҳи билан Аллоҳнинг аломатлари ва далилларинини кўриши, унинг баёнини англашидир”[17: 138].

Термизий фиқҳнинг ҳақиқий мазмуни бўйича ўз муносабатини баён қилади: “Фиқҳ – фаҳмлашдир ҳамда ишлар устидаги парданинг очилишидир. Агар банда Аллоҳга буюрган ва қайтарган нарсаларини тушуниб англаб етганидан кейин ибодат қилса, унга буюрилган ва қайтарилган ишларда Аллоҳнинг қилган тадбирлари устидаги парда кўтарилади. Мана шу холис ибодат бўлади”. Сўнгра “фиқҳ” сўзининг луғавий маъносини очиб беради: “ал-фиқҳ” сўзи “ат-тафаққуъ” (бир нарсанинг ёрилиши) сўзидан олинган. Луғатда бирор нарса очилиб қолса, “фуқиа аш-шайъ” (нарса ёрилиб очилиб қолди) дейилади, “фуқиа ал-журҳ” (яра очилди) – яра битгандан кейин ёрилса. Бу феълдан исм (от) ясалса, фақ’ун бўлади. Ҳ (ҳарфи) ва ҳамза (ҳарфи) бир-

бирининг ўрнига келаверади. Шунинг учун фақа’а (فقأ) ҳам фақаҳа (فقه) ҳам дейилади”. Фикри давомида Термизий Аллоҳ ўз Китобида “фиқҳ” сўзини *“Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан «англамайдилар (لا يفقهون)”* (Аъроф, 179) оятида зикр этганини қайд этиб, “Билгинки, фиқҳ – қалбнинг ишидир” деб хулоса қилади [18: 326]. Ҳақиқий фиқҳ – шариат ҳукмларининг маънавий-руҳий жиҳатларини ҳам қамраб олишини таъкидлайди.

Фиқҳни бундай тушунишда Термизий якка бўлмаган, Абу Наср Саррож (ваф. 988 й.) “Китаб ал-лумаъ” (“Чақнаш китоби”), Абу-л-Қосим Қушайрий (986–1072) “ар-Рисала” (“Рисола”), Абу Ҳомид Ғаззолий (1058–1111) “Асрор ас-савм” (“Рўза сирлари”) асарида ҳам айнан шу тарзда фикр билдирганлар.

Ҳатто кейинроқ яшаган ҳанбалий мазҳаби уламоси Ибн Жавзий (ваф. 1201 й.) ҳам фақиҳларнинг ҳукмлар руҳий жиҳатига беэътиборлигини танқид қилган [22: 105]. Ўзининг “Талбис иблис” (“Иблис найранглари”) асарида фақиҳларнинг қалбларни юмшатиш учун Қуръон қироати, ҳадис тинглаш, Пайғамбар (а.с.) ва уларнинг саҳобийлари сийратларини ўрганишни тавсия этади. Зеро, “нажосатни кетказиш ва сувнинг ўзгариши” масаласини такрорлайвериш қалбда хушуъ ҳосил қилмайди. Қалбга зикр, мавъизалар охират талабига сафарбар қилиш учун керак”, – дейди [8: 114–118].

Ҳаким Термизий ўз асарларида фақиҳларни фарқлайди: “Фақиҳнинг ҳукмларни истинбот қилиши – масалаларнинг суннатга мувофиқлиги асосида ва шариатни қоим қилиш йўлида бўлади, илмнинг ботини асосида истинбот қилувчи фақиҳ эса руҳий ҳолатларни ҳақиқатга мувофиқ бўлиши ва рубубият мушоҳадаси ила амалга оширади... Фақиҳ Аллоҳнинг ҳужжатига мувофиқ истинбот қилади, ҳаким эса Аллоҳнинг муродига мувофиқ истинбот қилади ва унинг ҳузурига етаклайди” [15: 60–61]. Ҳаким Термизий “ал-Акёс ва-л-муғтаррун” асарида фақиҳлар танқидига бағишлаб махсус “ал-Улум” (“Илмлар”) деган китоб таълиф этганини қайд этади. Термизий таъкидлашича, асарда дин ҳукмларини ботил қилувчи фиқҳий ҳийлалар ва фақиҳларнинг номуносиб ҳолатлари асарда фош қилинган [12: 91]. Шариат ҳукмларидаги Аллоҳнинг ҳикмати уларга қоронғи экани, бу зоҳир эмас, балки ботин илми экани Термизий томонидан таъкидланади.

Ҳаким Термизий ўз замонаси фақиҳларидаги юқоридаги каби салбий ҳолатлар юзага келишини уч асосга боғлайди: 1) фиқҳ илми – фақиҳда руҳий ҳолатни тарбияламайди; 2) фақиҳларнинг ҳукм чиқариш соҳасидаги услубларидаги хатолар, хусусан, Ҳаким Термизий аниқ мисоллар билан аҳли раъйнинг қиёс орқали чиқарган айрим ҳукмларини танқид қилади; 3) Фақиҳнинг ўзига боғлиқ ҳолат бўлиб, Термизий иборасига кўра: "истинбот ва ижтиҳод[1] аҳли ҳақиқатга етиши учун Аллоҳ нури билан жилоланган соф қалб, иллатлардан холи, дунё шаҳватларидан тоза бўлган покиза нафсга муҳтож". Шундагина унга фаросат нури бериладики, қиёсни тўғри англаб етади [12: 101]. Жумладан, Ҳаким Термизий асарларида фақиҳларда учрайдиган баъзи иллатларни "Шифо ал-илал" ("Сабаблар муолажаси") асарида танқид қилади. Улар илмни зийнат учун, одамлардан юқори туриш учун, раҳбарлик талабида эмас, ниятини яхшилаб, муродини холис қилиб Аллоҳ учун ўрганишлари лозимлиги, акс ҳолда улар "фақиҳлар чиқиндиси" эканини айтади. Улар дунё тамаъсида ой кетидан йилларни – қиёслаш, мунозаралар, рухсатлар сотиш, уламоларнинг хатоларини тўплаш, золимларга ёрдам бериш, халқни Аллоҳ изн бермаган нарсага журъатли қилишга сарфлайдилар. Фақиҳнинг ҳолати бундай бўлмаслиги кераклигини таъкидлайди [1: 94].

Яна бир ўринда, хусусан "ал-Масоил ал-Макнуна" ("Яширин масалалар") асарида ёзади: "Фақиҳларнинг минглаб жилдли китобларида охират эслатмалари, жаннат ва дўзах васфи, ўлим, барзах ва у ердаги даҳшатлар, ҳисоб-китоб шиддати, ингичка пулсиротдан олов узра ўтиш, амалларнинг вазни, одамларнинг қўрқуви, Аллоҳга муштоқ бандаларнинг шавқи, Аллоҳни таниган уламоларнинг қўрқуви, тақводор ва парҳезкор бандаларнинг сифати, зоҳидлар ва роғиблар сифати, дин манзиллари, нафс, душман ва хою-ҳавас кирдикорлари, зийраклар ва ўзига ром бўлганлар сифати, Қуръоннинг ҳикмати, латоифлари, яширин маънолари ва ажойиботлари, мукаррам бандаларнинг хусни хулқлари, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ахлоқлари ва шамоиллари [...] ни кўрасанми? Фикр аҳли бундан четда" [14: 46].

[1] Истинбот ва ижтиҳод – далиллардан ҳукм чиқариш ҳамда ҳужжатлар асосида фақиҳ томонидан шаръий ҳукмни ҳосил қилиш учун барча билим ва тоқатни ишга солиш.

Термизий фақиҳларни уч тоифага ажратади:

1. Дунё матоҳларига эришиш учун илм талаб қилганлар.
2. Зоҳирий илм йўлидаги фақиҳлар – улар ҳикмат нуридан мосуводирлар. Шунинг учун ҳам масалаларнинг ботиний жиҳатларидан бехабарлар.
3. Ҳикмат нури берилган, масалаларнинг яширин жиҳатларини ҳам англай оладиган ҳақиқий қиёс аҳли [1: 99–102].

Термизийга кўра, фақатгина учинчи тур фақиҳларгина барча масалаларда тўғри ҳуқуқий ечим бера оладилар, қолганлар эса ҳикмат ато этилмагани учун хатога йўл қўйишлари мумкин.

Ҳаким Термизийнинг ўзига хос фиқҳий асарларидан бири “Исбот ал-Илал”дир. Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-Илал” асари ўз даврида катта шов-шувларга сабаб бўлган асар эди. Суламий (937–1021), Шаъроний (1493–1565), Субкий (1327–1370)ларнинг қайд этишларича, айнан “Хатм ал-авлиё” (“Авлиёлар муҳри”) ва “Илал аш-шариа” (“Шариат сабаб-моҳияти”) асари учун муаллиф Термиздан сургун қилинган ва ҳатто куфрда айбланган [13: 245].

Ҳаким Термизийнинг “мақосид аш-шариа” [1] мавзусига доир фикрлари долзарблик касб этади. Мақосидий қарашлар[2] бугунги кунда “васатия” – динда мўътадиллик тамойилини ёйишда муҳим ўрин тутади. Мақосид аш-шариа – ислом ҳукмлари ортида турган ҳикмат, мақсадлар, ғоялар, сабабларни баён қилади. Ислом фиқҳи назариётчиларга кўра, “мақосид аш-шариа” – инсоният манфаатини ифода этишдир [3: 30]. Ҳаким Термизийнинг “Шарҳ ас-солат ва мақосидиҳа” (“Намоз ва унинг мақсадлари шарҳи”) китоби бу борадаги илк асар бўлган эди [4: 37]. Қуйидаги бошқа асарлари Термизийнинг илк тизимли “мақосидий фақиҳ”[3] бўлганини тасдиқлайди: “ал-Ҳаж ва асроруҳу” (“Ҳаж ва унинг сирлари”), “Сабаб ат-такбир фи-с-сола” (“Намозда такбир сабаби”), “Илал аш-шариа” (“Шариат сабаб-моҳияти”).

Мақосид аш-шариа”нинг энг муҳим ғояларидан бўлган 5 заруриётни (дин, жон, ақл, насл, мулк (баъзан олтинчиси қилиб инсоннинг шаъни қўшилган)) муҳофаза қилиш масаласи Ҳаким Термизий асарларида баён қилинган.

[1] Мақосид аш-шариа – шариатнинг бош мақсадлари.
[2] Мақосидий қараш – шариат мақсадларига йўналтирилган қараш.
[3] Мақосидий фақиҳ – шариат мақсадлари билан шуғулланувчи фақиҳ.

“Исбот ал-илал” китобида Термизийнинг мақосидий қарашлари яққол намоён бўлади. Гарчи Термизий “мақсад” сўзини кўп қўлламаса ҳам, айнан шу маънони берувчи “асрор”, “қасд” каби сўзлардан унумли фойдаланади. Термизийнинг “Исбот ал-илал” китобини ёзишидан мақсади қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, диндаги ҳар бир ҳукмнинг мақсади, сабаби (иллат), ҳикмати бўлади ва албатта инсон уларни англаб ета олади, шуни тушунтириш; иккинчидан, айнан қайси иллат – сабаб у ёки бу ҳукм (амр ва наҳй) орқасида турганини амалий кўрсатиб бериш [23]. Термизий ҳукмларнинг иллатини билишда қуйидаги асосларга таянади: 1) луғавий, 2) нақлий, 3) завқ – ирфоний [7: 48] ҳамда 4) мантиқий-изчиллик усули.

Термизийнинг шариат мақсадлари ҳақидаги қарашлари кейинги даврларда шу йўналишда ижод қилган мусулмон уламоларига туртки берган: Мотуридий (853–944), Қаффол Шоший (904–976), Имом Жувайний (1028–1075), Ғаззолий (1058–1111), Иззуддин Абдуссалом (1181–1262), Қарофий (1228–1285), Шотибий (1143–1194) ва бошқалар.

Термизий нафақат фақиҳларнинг, балки аҳли ҳадис методикасини ҳам танқид қилади. Ҳадисларга ёндашувда Термизий кўпроқ фақиҳлар услубига яқин бўлади. Ҳаким Термизий муҳаддисларни 3 турга ажратади: 1) рувот (ровийлар) – уларни Термизий ҳадисларнинг санади, ровийлар билангина овора бўлиб, носих ва мансух ҳамда ом ва хосни [1] ажратмай, маъноси очиқ бўлмаган (ғомид)ларни фарқламасликлари, мақсадлари фақат ёзиш ва ёд олиш бўлиб қолгани, фикрлари боблар, санадлар ровийлар йўллари билан чекланиб қолганини танқид қилиб, илмнинг фақат пўстлоғини қўлга киритганлар, дейди; 2) вуот (англаб етганлар) – Термизий уларни ҳадисларнинг мағзини англаб етишини мақтайди: “Вуот (англаб етганлар) Расулуллоҳ (а.с.) ҳадисларини диндаги ишончли, рози бўлинган имомлардан олиб, риоясини қилганлар. Риоясини қилишлари истинбот қиладилар, ҳадиснинг маъноларини очиб берадилар, таъвил жиҳатларини ўрганиб зоҳирини ботинга ўгирадилар... Вуот мудом (ҳадиснинг) маънолардаги пардаларни очиб бориш ва ҳусни таъвил талабидалар; 3) наққолун – улар руватдан ҳам пастроқ даражада бўлиб, уларнинг санадларни териб чиқишларини, ҳадис ривоят йўлларини ўрганишга ўта машғул бўлиб, ҳадис

[1] Носих ва мансух ҳамда ом ва хос – Қуръон илмлари.

маъноларини назардан четда қолдиришини танқид қилади [21: 79–80]. Яна бир бошқа ўринда “Илм талабида юртларни кезадилар. Ўз юрт уламоларини қўйиб, эртасига “бизга буни фалончи фалоний ривоят қилган” деб оммага кўз-кўз қилиш учун бошқа диёр уламолари номларини келтириш билан ажралиб турмоқчи бўладилар” – деб норозилик билдиради. Ҳаким Термизий “Наводир ал-усул” (“Нодир усуллар”) асарида ҳадисларнинг саҳиҳини ажратиб беришни ҳакимлар амалга ошира олишини айтиб, уларнинг услуби ҳадиснинг маъносини тафсилотларигача ўрганиш, сўзларнинг зоҳирий ва ботиний мазмунини таҳлил қилиш, Қуръон ва суннатга мувофиқлигини текшириш орқали тўғри хулосага келишдир [19: 536–537].

Фиқҳ ва тасаввуф муносабатлари турли даврларда мусулмон дунёсининг турли минтақаларда уламоларни қизиқтирган. Хусусан, фиқҳ ва тасаввуф илмини мужассамлаштира олган марокашлик машҳур фақиҳ ва суфий Аҳмад Зарруқ (1442–1493) ўзининг “Қоваид ат-тасаввуф” (“Тасаввуф қоидалари”) асарида 225 та қоида асосида тасаввуфнинг шариатга мувофиқ бўлишини таъминлашни мақсад қилади. Асарда тасаввуфнинг бошқа ислом илмлари – фиқҳ, калом, усул билан алоқаси, бидъатлардан сақланиш, ношаръий зикрлар каби масалалар кўтарилган. Асарнинг 4-қоидасида: “Фиқҳсиз тасаввуф йўқ, зеро Аллоҳнинг зоҳирий аҳкомлари у билан намоён бўлади. Шунингдек, тасаввуфсиз фиқҳ ҳам бўлмайди, зеро ихлос ва таважжуҳсиз амал бўлмайди. У иккиси имонсиз бўлмас. Бири иккинчисиз бўлиши тўғри эмас”, дея таъкидлайди [2: 22]. 20-қоидада “Фиқҳ ва тасаввуф Аллоҳнинг аҳкомлари ва ҳуқуқларига далолат қилишда ака-укадир”, дейди [2: 29]. Асарнинг 26-қоидасида: “Фиҳқий ҳукм ҳамма учун умумийдир, зеро у диннинг расмиятидир. Унинг маёғини баланд кўтаришни, сўзини-шаънини олий қилишни мақсад қилади. Тасаввуфнинг ҳукми эса махсус одамларга хосдир, зеро у банда ва Роббиси ўртасидаги алоқадир. Шундан келиб чиқилса, фақиҳ суфийни инкор қилиши мумкин, аммо суфий фақиҳни инкор қилиши тўғри эмас... Фиқҳсиз тасаввуф тўғри эмас. Шунинг учун ҳам айтиладики, фақиҳ-суфий бўл, аммо суфий-фақиҳ бўлма. Фақиҳларнинг суфийси суфийларнинг фақиҳидан комилроқ ва (хатолардан) саломатроқ” [2: 32]. Бошқа ўринларда эса суфийнинг даражаси хосроқ эканини кўрсатиб ўтади. Жумладан, 56-қоидада “Муомалот масаласида суфийнинг қарашлари фақиҳникига нисбатан хосроқ, зеро, фақиҳ машаққатни

кетказишни эътиборга қилиш ҳаракатида бўлса, суфий камолга эришадиган нарсанинг илинжида. Ақида олимидан ҳам хосроқ, чунончи у эътиқод тўғри бўлишига эътиборини қаратса, суфий эса эътиқодини мустаҳкамлашни фикр қилади” [2: 49].

Фиқҳий ижтиҳодлар табақалари борасида тўлақонли хулосага келиш учун давр таъсирига ҳам эътибор бериш керак. Зеро, фиқҳ жамиятнинг фиқҳий эҳтиёжларига мутаносиб тарзда ривожланиб борди. Ҳар даврнинг мужтаҳиди ўз шароитига мувофиқ бўлган мустақил, мунтасиб ва мазҳаб ичидаги ижтиҳодларни амалга оширди. Айтиш мумкинки, ҳижрий учинчи асрдаёқ мустақил-мутлақ ижтиҳод даври ўз якунига етган эди.

Ҳаким Термизийнинг асарларини ўрганиш шуни кўрсатадики, у мужтаҳид бўлиб, ўзига кучли кўринган далиллар асосида ўз ижтиҳодий қарашларини ҳам ихтиёр қилган. Аммо унинг ижтиҳодлари мутлақ ижтиҳод даражасида эмас, балки суфий қарашлар асосида баён қилинган ижтиҳод сифатида баҳоланади.

Ҳаким Термизий фиқҳга оид қарашлари шаклланишига ўз минтақасида фаолият юритган икки катта йўналиш – аҳл ар-раъй ва аҳл ал-ҳадиснинг таъсири бўлган. Ёшлигиданоқ илм ал-осор ва илм ар-раъй бўйича таҳсил олган Термизий бу йўналишларнинг асослари билан барвақт танишишга муяссар бўлган. Билими ортиб бориши баробарида аҳл ар-раъй ва аҳл ал-ҳадиснинг ҳукм чиқариш услубиятларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилган. Ҳар бири бўйича ўз хулосаларини берган. У аҳл ар-раъй ва аҳл ал-ҳадис фиқҳини ажратган. Аҳл ар-раъй услубиятидаги қиёснинг аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, уни тўғри қўллаш бўйича ўз талқинини тақдим этган. Аҳл ал-ҳадисни эса ҳарфий ёндашувдан четлашиш, диний матнларнинг ҳикмати ва муродини англаш орқали ҳукм чиқаришга чақирган.

Ҳаким Термизийга кўра, руҳий маънавий юксалиш масалалари ҳуқуқшунослик мавзуларидан ҳам кўра долзарброқ. Зеро, инсон айрим фиқҳий масалаларга кунда, ойда, йилда, умри давомида рўбару бўлса, руҳий-маънавий масалаларга ҳар онда тўқнашади.

Ал-Ҳаким ат-Термизий *фиқҳ* ва *фақиҳ* сўзларини таҳлил қилиб, бу сўзлар аслида “ислом ҳуқуқи” ва “ҳуқуқшуноси” деган маънони эмас, балки ашёларнинг ботиний томонларини англатишини кўрсатиб беради.

Термизий фиқҳни 2 хил маънода баён қилади: 1) ҳукмлар ҳақидаги илм, у фиқҳ билан шуғулланиш орқали касб этилади. Илм билан шуғулланиши баробарида унинг илми ва нури зиёда бўлади. 2) Ҳақиқий маъноси – қалб фиқҳидир. Бунда Аллоҳ фақиҳ қалбига солган нур орқали ҳукмларни истинбот қилади.

Ҳаким Термизий дунё ва охират саодатида инсон ақлининг ўрнини алоҳида ажратиб кўрсатади. У ҳукмларга кўр-кўрона эргашишни эмас, балки таҳлил қилиб, масаланинг моҳиятига етиб бориб, англаган ҳолда амал қилишга чақиради.

Суфийлар ва фақиҳлар ўртасидаги келишмовчилик турли омиллар асосида вужудга келган. Ҳуқуқшунослар суфийликни динга янгилик киритишда айблаган бўлсалар, тасаввуф вакиллари ҳуқуқшуносларни “ҳарфий ёндашув” ва масалаларнинг маънавий жиҳатларига беэътиборликда айбладилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулфаттоҳ Барака. Ал-Ҳаким ат-Термизий: назарийятуҳу фи-л-вилая. Қоҳира, 2014.
2. Аҳмад Зарруқ. Қаваид ат-тасаввуф / Абдулмажид Хаёлий тадқиқи. Байрут, 2005.
3. Жасер Авда. Мақосид аш-шариа ка-фалсафа ли-т-ташриъ ал-исламий. Лондон, Вашингтон, 2011.
4. Жасер Авда. Мақосид аш-шариа: далил ли-л-мубтадиин. Лондон, Вашингтон, 2011.
5. Жуюший М. Ал-Ҳаким ат-Термизий: дироса ли осориҳи ва афкориҳи. Қоҳира, 1981.
6. Заҳрий Х. Таълил аш-шариа байн ас-сунна ва-ш-шиа. Байрут, 2003.
7. Заҳрий Х. Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал” асари нашрининг кириш қисми. Работ, 1998.
8. Ибн ал-Жавзий. Талбис Иблис. Байрут, 2010.
9. Мустафо Нашшор. Фалсафа Ҳасан Ҳанафий. Қоҳира, 2017.
10. Радтке Б. Теологи и мистики в Хурасане и Трансосании / Суфизм в Центр. Азии (зарубежные исследования), Санкт Петербург, 2001.

11. Салоҳ Абулҳаж. Ал-мадхал ал-муфассал ила-л-фиқҳ ал-ҳанафий. Аммон, 2017.
12. Сойиҳ А. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Қоҳира, 1999.
13. Тожуддин ас-Субкий. Табақот аш-шофеийя ал-кубро. Т.II. Гиза. Ҳижр, ҳ. 1413.
14. Ҳаким Термизий. Ал-Масоил ал-макнуна / М. Жуюший нашри. Қоҳира, 1980.
15. Ҳаким Термизий. Баён ал-фарқ / Юсуф Маръий нашри. Аммон, 2009.
16. Ҳаким Термизий. Будувв аш-шаън / Муҳаммад Масъуд нашрга тайёрлаган. // Islamic Studies журнали. № 4, Исломобод, 1965.
17. Ҳаким Термизий. Илм ал-авлиё / С. Лутф нашри. Қоҳира, 1981.

И. Усмонов

Ҳаким Термизийнинг фиқҳга оид қарашлари

Мақолада машҳур суфий Ҳаким Термизийнинг фиқҳ илмига доир қарашлари муҳокама қилинади. Термизийнинг ижтиҳод услублари, фиқҳга доир асарларининг анъанавий фиқҳий асарлардан фарқли жиҳатлари баён қилинади. Жумладан, унинг асарларида шариат талаблари доирасида бирор амални бажаришдан банда оладиган руҳий-маънавий фойдалар тасвирига кўп урғу берилади. Термизий фиқҳий масалалар ечимида ботиний жиҳатлар ҳам эътиборга олиниши кераклигини таъкидлайди. Мақолада унинг ҳадисларга ўзига хос ёндашуви ҳам очиб берилади. Шунингдек, унинг мақосид аш-шариа йўналишидаги фаолияти таҳлил қилинади. Аллома фиқҳ, тасаввуф ва фалсафа илмларини уйғунлаштира олган мутафаккир сифатида тилга олинган. Мақолада фиқҳ ва тасаввуф вакиллари ўртасидаги мунозаралар асослари таҳлил қилинади. Ҳаким Термизийнинг ҳуқуқшунослар томонидан фиқҳ сўзининг моҳияти нотўғри талқин қилиниш ҳолатлари ҳақидаги фикрлари баён қилинади.

Калит сўзлар: *фиқҳ, ижтиҳод, мақосид аш-шариа, иллат, ҳикмат, ҳадис, қиёс, мазҳаб, тасаввуф, муҳаддис.*

И. Усманов

Взгляды Хакима Тирмизи на фикх

В статье рассматриваются взгляды известного суфия Хакима Тирмизи на науку “фикх” (исламская юриспруденция). Описаны методы иджтихада Тирмизи, отличия произведений фикха от традиционных произведений факихов. В частности, в его произведениях большое внимание уделяется описанию моральных и духовных благ, которые можно получить от совершения действия в рамках требований шариата. Тирмизи подчеркивает, что при решении юридических вопросов следует учитывать и внутренние аспекты. В статье также раскрывается его уникальный подход к хадисам. Также анализируется его деятельность в направлении “макасид аш-шариат” (цели шариата). В статье Тирмизи выступает как мыслитель, сумевший соединить юриспруденцию, суфизм и философию. В статье анализируются основы дискуссий между представителями юриспруденции и суфизма. Описаны мнения Хакима Тирмизи о случаях неправильного толкования юристами значения слова “фикх”.

Ключевые слова: *юриспруденция, иджтихад, цели шариата, илла, хикмат, хадис, аналогия, мазхаб, суфизм, хадисовед.*

I. Usmanov

Hakim Tirmidhi's views on fiqh

The article discusses the views of the famous Sufi Hakim Tirmidhi on the science of fiqh (Islamic jurisprudence). The methods of ijtihad of Tirmidhi, the differences between the works of fiqh and the traditional works of fuqahas are described. In particular, in his works much attention is paid to the description of the moral and spiritual benefits that can be obtained from performing an action within the framework of the requirements of Sharia. Tirmidhi emphasizes that when resolving legal issues, internal aspects should also be taken into consideration. The article also reveals his unique approach to hadith. His activities in the direction of “maqasid al-Sharia” (the Goals of Sharia) are also analyzed. In the article,

Tirmidhi appears as a thinker who managed to combine jurisprudence, Sufism and philosophy. The article analyzes the basis of discussions between representatives of jurisprudence and Sufism. The opinions of Hakim Tirmidhi on cases of misinterpretation by jurists of the meaning of the word “fiqh” are described.

Key words: *Islamic jurisprudence, ijtihad, objectives of Sharia, illah, hikmat, hadith, analogy, madhhab, Sufism, hadith scholar.*

С. Муҳаммадаминов

XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи

Ислом тарихида мусулмонлар яшаган ва ислом қонунлари билан тартибга солинган ҳудудлар *дор ал-ислом* (ислом диёри) деб юритилса мусулмон ҳудуд ташқарисида жойлашган номусулмон мамлакатлар *дор ал-харб* (уруш диёри) деган фиқҳий истилоҳлар қўлланилган [8: 73].

Мазкур масалалар бўйича ўрта асрларда ва ундан кейин яратилган Марказий Осиё уламоларининг кўплаб фиқҳий асарларида ҳам кенг тўхталиб ва уларда асосан ҳанафий мазҳаби асҳобларининг қарашлари илгари сурилган. Фиқҳий манбаларда бу билан боғлиқ масалалар “*Китоб ал-жиҳод*” (“Жиҳод китоби”) (баъзи фиқҳий адабиётларда “*Китоб ас-сияр*” (“[Харбий] юришлар китоби”) бобида кўрилган. Шунингдек, юртимиз ҳанафий уламолари ўз асарларида бу тушунчаларга воқеликдан келиб чиқиб ўз фикрларини баён этишган. Мисол учун, Марказий Осиёни муғуллар томонидан босиб олиш ортида ҳудуднинг *дор ал-харб*га айланиш ва айланмаслиги муаммоси уламолар кун тартибида турган эди ва ўша давр уламоларнинг аксарияти ушбу диёрни *дор ал-ислом* бўлиб қолишига ижтиҳод қилишган [17: 5853]. Шунга ўхшаш тарихий воқеа XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Рус империяси тасарруфига Туркистон ҳудудлари киритилганидан кейин маҳаллий зиёлилар (тарихчи ва уламолар) ўртасида мусулмон диёрлари эндиликда *дор ал-харб*га айланиши ёки айланмасилиги борасида баҳсу мунозаралар бўлган эди. Бу давр уламоларининг кўпчилиги Туркистонни руслар бошқарса ҳам у ҳудуд *дор ал-ислом*

Бизнинг муаллифлар

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути катта илмий ходими.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
5. **Жўраев Жалолиддин Олимжонович –** филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути директори ўринбосари.
8. **Маҳмуд Ҳасаний –** тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.

9. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
10. **Турсунов Рустам Миршоҳидович –** мустақил тадқиқотчи, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими.
11. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ мумтоз адабиёти бўлими мудири.
14. **Якубов Қахрамон Каримджанович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Наши авторы

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич** – младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – Младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Джураев Джалолиддин Алимджанович** – доктор филологических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Махмуд Хасани –** доктор исторических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.

9. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, страший научный сотрудник Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
10. **Турсунов Рустам Миршахидович –** независимый исследователь, ответственный сотрудник Министерства экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан.
11. **Усманов Ибрахим Сабирович** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович –** младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующий отделом Классической восточной литературы Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Якубов Кахрамон Каримджанович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Akmal M. Bazarbaev** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
2. **Djaloliddin A. Djuraev** – Doctor of Philology, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
3. **Filipp R. Khusnutdinov –** Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Ibrahim S. Usmanov –** PhD in History, Associate Professor, doctoral student at the Institute of Current Studies named after Abu Raikhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Khurshid Kh. Azimov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
6. **Khushnud A. Abdurasulov** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mahmud Hasaniy** – Doctor of History, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
9. **Natalya E. Karimova** – Doctor of History, Professor, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

10. **Qahramon K. Yakubov** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
11. **Rustam M. Tursunov –** Independent Researcher, Responsible Employee of the Ministry of Ecology, Environmental Protection and Climate Change of the Republic of Uzbekistan.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Salimakhon N. Eshonova** – PhD in Philology, Senior Research Fellow, Head of the Department of the Classical Literature of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
14. **Surayyo U. Karimova –** Doctor of History, Professor, Deputy Director of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.